

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ХУЖАНОВ АЛИШЕР НУРАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН *HELICHRYSUM MARACANDICUM*
РОРОВ ЕХ КИРР. НИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА РЕСУРСЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Хужанов Алишер Нуралиевич Ўзбекистонда тарқалган <i>Helichrysum maracandicum</i> Popov ex Kirp. нинг биологияси ва ресурслари.....	5
Хужанов Алишер Нуралиевич Биология и ресурсы <i>Helichrysum maracandicum</i> Popov ex Kirp. в Узбекистане.....	21
Khujanov Alisher Nuralievich Biology and resources of <i>Helichrysum maracandicum</i> Popov ex Kirp. in Uzbekistan	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ХУЖАНОВ АЛИШЕР НУРАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН *HELICHRYSUM MARACANDICUM*
РОРОВ ЕХ КИРР. НИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА РЕСУРСЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В313 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.botany.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хожиматов Олимжон Каххарович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Ташханим
биология фанлари доктори, профессор

Нигматуллаев Алим Магмурович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педогогика институти

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2020.В.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» сентябрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2020 йил «16» сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «16» сентябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Х.Ф. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий аҳамиятга молик ўсимлик турларига бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб бориши уларнинг хилма-хиллигини сақлаш, муҳофаза қилиш ва захираларини тиклашни талаб этмоқда. Сўнгги йилларда, айниқса, доривор ўсимлик турлари хом ашёларининг маҳаллий ва саноат ишлаб чиқаришига кенг жалб этилиши уларнинг биологик хусусиятларини ўрганган ҳолда кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва захираларига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш заруриятини белгилаб бермоқда. Бу ўринда, истиқболли доривор ўсимликлар тарқалган ҳудудларни аниқлаш, саноатбоп захираларини ажратиш, биоэкологик хусусиятларини асослаган ҳолда популяцияларини сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда доривор ўсимлик турларни аниқлаш, биологик хусусиятларини ўрганиш ва фармацевтик истиқболлини баҳолаш, табиий ва антропоген омиллар натижасида доривор ўсимлик турларининг популяцияларини камайиб кетиш сабаблари аниқлаш, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўллариини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, камёб ва йўқолиб бораётган доривор ўсимлик турларининг инвентаризациялашнинг халқаро тизими яратилди, уларга таъсир этувчи омиллар кўламини баҳолаш асосида табиий захираларини сақлаб қолиш ҳамда кўпайтиришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда табиий ўсимликлардан олинадиган доривор воситаларига бўлган талабнинг кундан-кунга кучайиб бориши, истиқболли ўсимлик захираларининг камайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, камёб доривор турларнинг табиий кўпайиш имкониятларининг пастлиги, популяцияларининг кучли антропоген босим ҳудудларида жойлашганлиги ҳамда иқлим ўзгариши улар популяцияларининг қисқаришига олиб келмоқда. Бу ўринда, фармацевтика саноатида хом ашёларига эҳтиёж кучли бўлган фарм зоналарни аниқлаш, биологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларни кўпайтириш ва популяцияларини сақлаб қолишнинг замонавий усуллариини ишлаб чиқиш, хом ашё захираларини яратиш ва сифатли хом ашё тайёрлаш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда кунда республикамызда доривор ўсимликни етиштириш ва табиий дори воситалари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар натижасида республикамызда ихтисослаштирилган фарм зоналарга асос солинди, хом ашёсига талаб юқори турларнинг табиий захиралари аниқланди ва янги турдаги доривор препаратлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, *Helichrysum maracandicum* нинг биоэкологик хусусиятларини асослаш, табиий захираларини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Helichrysum* Mill. туркуми П.Миллер (Miller, 1754) томонидан фанга киритилган. Илк бор туркум систематикасини тузишга бўлган уриниш Л.П.Декандоль (De Candolle, 1837) томонидан амалга оширилган. Туркумнинг янада такомиллаштирилган ва қайта ишланган системаси Г.Бентамга тегишлидир. Туркум систематикаси кейинчалик СССР флораси учун *Helichrysum* туркумига монографик қайта ишлов берган М.Э. Кирпичников (1959, 1960) ишлари билан тўлдирилган. Классификацияга Г.Бентам системаси асос қилиб олинган, унга кўра собиқ СССР ҳудудида ёввойи ҳолда тарқалган барча туркум турлари *Helichrysum* секцияси таркибига киради. М.Э. Кирпичников (1959) ушбу секцияни 16 тур ва 5 қаторга ажратди. Кавказда тарқалган *Helichrysum* туркуми турлар таркиби А.С. Шхиян (1952), Р.К.Аскерова (1961), А.Л. Тахтаджян ва А. Федоров (1972) каби олимлар томонидан ўрганилган. *H.maracandicum* Қирғизистонда З.С. Арбаева, Қозоғистонда И.И. Ролдиген, Тожикистонда Т.И. Вайнберг ва Г.К. Кинзикаева, Ўзбекистонда М.М. Набиевлар томонидан ўрганилган.

А.Ю. Черемушкина (2004), L.N.Jorра ва бошқалар (2010); S. Volis ва бошқалар (2010, 2015); M. Yang (2013); J.S. Lefcheck ва бошқалар (2015); L. Wei ва бошқалар (2015), МДХ мамлакатларида В.А. Асташенков (2009), Е.Б. Колегова (2010), Т.В. Леонова (2010), Е.М. Олейникова (2014), И.Н. Барсукова (2016) ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида камёб, ноёб, эндем доривор ўсимликлар ценопопуляцияларининг замонавий ҳолатини организм

ва популяцион белгилар орқали баҳолаш ёритиб берилган.

Мамлакатимизда камёб ва доривор ўсимликларнинг ценопопуляциялари ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бўйича Х.К. Бўриев (1995), А.С. Юлдашев (2001), К.Ш. Тожибаев (2007), О.К. Хожиматов (2008), Ш.У. Саробаева (2017), Х.Ф. Шомуродов (2018), О.С. Абдураимов (2017), А.К. Ахмедов (2018), М.О. Бўронова (2018), Б.А. Ниғматуллаев (2019) ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

Бироқ адабиёт манбаларида *H.maracandicum* нинг биологияси, популяциялари ҳолати ва табиий захираларига доир маълумотлар мавжуд эмас. Шунга кўра, *H.maracandicum* нинг онтогенезини ўрганиш, республикамизнинг турли худудларида тарқалган популяцияларининг структураси ва типларини аниқлаш, органик ва популяцион белгилари асосида ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш, тарқалиши бўйича ГАТ хариталарини тузиш, захираларини аниқлаш, популяцияларини сақлаб қолиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170920219 “Ўзбекистондаги истикболли доривор ўсимликларнинг интерактив атласини тузиш (химояга мухтож турларнинг мониторинги, захираси ва уларни химоя қилиш усуллари)” (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Helichrysum maracandicum* нинг биологик хусусиятларини асослаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда *H.maracandicum* нинг турли экологик ва фитоценотик шароитларда тарқалишини аниқлаш;

лаборатория шароити ва очиқ грунтда уруғ унвчанлигини ва табиий шароитда турнинг онтогенез даврларини аниқлаш;

ценопопуляцияларнинг онтогенетик структурасини аниқлаш;

организм ва популяцион белгилар асосида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш;

ер усти органларининг морфо-анатомик тузилишини ўрганиш;

турли экологик шароитларда тарқалган ўсимлик тўпуллариининг мураккаб эфирлар таркибини таҳлил қилиш;

ўсимликнинг табиий захираларини аниқлаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Asteraceae оиласига кирувчи *Helichrysum maracandicum* Роров ex Kirp. ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *H.maracandicum* ресурслари, экологияси, морфологияси, онтогенези, фитокимёси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тажрибалари, фенологик, морфологик, анатомик, фитокимёвий, биометрик,

статистик, ГАТ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда тарқалган *H.maracandicum* нинг турли экологик-фитоценотик шароитларда 12 та ценотик популяциялари аниқланган;

H.maracandicum нинг онтогенез давр ва босқичлари ҳамда ценопопуляцияларининг характерли спектрлари аниқланган;

тур ценопопуляцияларининг онтогенетик структураси ва ёшга кўра типлари аниқланган;

турли фитоценотик шароитларда турнинг организм ва популяцион белгилари асосида ценопопуляцияларини замонавий ҳолати баҳоланган;

турли экологик шароитлардаги *H.maracandicum* тўпгулларининг мураккаб эфирлар таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

H.maracandicum нинг республикадаги мавжуд ценопопуляцияларининг виталитет ҳолатини акс эттирувчи ГАТ хариталари яратилган;

республиканинг *H.maracandicum* тарқалган майдонларда биологик захирасининг умумий майдони аниқланган ва муҳофазага мухтож популяцияларни тиклаш чоралари тавсия этилган;

фармацевтика саноатида ўсимликлар хом ашёси идентификацияси учун фойдаланиладиган диагностик белгилари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар кўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, йиғилган гербарий намуналарини “Ўзбекистон Миллий гербарийси” ноёб илмий объекти фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Ўзбекистонда тарқалган *H.maracandicum* ценопопуляциялари ҳамда мавжуд ресурсларининг баҳоланганлиги, онтогенези хусусиятлари ва мураккаб эфирларининг таркиби асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни *H.maracandicum* ценопопуляциялари тарқалган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ўрмон хўжалиги тизимида плантацияларини ташкил этиш, фармацевтика саноатини хом ашё билан таъминлаш, камёб доривор ўсимликлар кадастрини юритишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда тарқалган *H.maracandicum* нинг биологияси ва ресурсларини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

H.maracandicum нинг биологик ва эксплуатацион захиралари ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи таркибига кирувчи Буручмулло давлат ўрмон хўжалиги ва Зомин давлат кўриқхоналари тасарруфидаги ерларига жорий қилинган (Ўзбекистон

Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йил 13 декабридаги 05/21-4289-сон маълумотномаси). Натижада ўрмон хўжалигининг 117,5 гектар майдонларида 0,3 тонна сифатли хом ашё олиш имконини берган;

H.maracandicum нинг тарқалган ҳудудлари ва популяцияларининг тарқалиши бўйича ГАТ хариталари, муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Самарқанд вилоятининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 13 майдаги 02-02/8-464-сон маълумотномаси). Натижада *H.maracandicum* 2 та потенциал тарқалган ҳудудларни аниқлаш ва муҳофазага муҳтож популяцияларни муҳофаза қилиш имконини берган.

H.maracandicum нинг Сурхандарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳудудларидан йиғилган 140 дан ортиқ гербарий намуналари республика Ноёб объекти “Ўзбекистон Миллий гербарийси” (TASH) фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 20 январдаги 18/1255-173-сон маълумотномаси). Натижада *H.maracandicum* нинг мавжуд коллекциясини бойитган ва янги локалитетларини аниқлаш ҳамда FLORUZ маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*Helichrysum* Mill. туркуми айрим турларининг экологик-фитоценотик тавсифи” деб номланган биринчи бобида

Helichrysum Mill. туркум турларини биологик хусусиятлари, тарқалиши, кимёвий таркиби, ценопопуляциялари (ЦП), ассоциациялари ҳамда муҳофаза қилишга оид МДХ ва бошқа чет мамлакатларда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган.


Мазкур боб *H.maracandicum* ценопопуляцияларнинг экологик-фитоценотик тавсифига бағишланган бўлиб, аниқланган 12 та ЦПларининг экологик-фитоценотик тавсифи келтирилган. Ценопопуляцияларнинг ўсимликлар жамоаси, координаталари, тупроқ типлари, умумий ўсимлик қоплами, ўрганилган турнинг қопланганлик даражаси ҳамда доминант ва субдоминант компонентлари келтирилган. Ўрганилган ЦПларнинг географик координаталарини аниқ тарзда берилиши, келгусида мазкур тарқалган асосий ЦП лар ҳамда ресурслари тўғрисида мониторинг ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, тадқиқот объекти ва методлари келтирилган. Турларнинг онтогенезини ўрганишда Т.А. Работнов (1950) А.А. Уранов (1975), ценопопуляция типларини тадқиқ этишда А.А. Уранов ва О.В. Смирнова (1969), турнинг экологик зичлиги Ю. Одум (1986), турнинг тикланиш кўрсаткичи даражаси А.Р. Ишбирдин (2004), ценопопуляцияларнинг қариш коэффициенти даражаси Н.В. Глотов (1998), турнинг биометрик кўрсаткичлари ҳамда коэффицент вариацияси Г.Н. Зайцев (1973), уруғларнинг унувчанлигини аниқлашда Т. Рахимова (2009), М.Г. Николаева (1982), М.М. Ишмуратова (2009), ўсимликлар жамоалари “Полевая геоботаника” (1964) бўйича, ўсимлик табиий захираларини аниқлашда Н.А. Борисова (1966, 1977), И.Л. Крылова (1988), И.И. Мальцев (1990), С.Ф. Захаревич (1954), ўсимликнинг ер усти органларининг анатомик тузилишини аниқлашда К. Эсау (1969), М.Н. Прозина (1960), Р.П. Барыкина, Н.В. Чубатова (2005) методларидан фойдаланилди. Олинган натижалар MS Excel дастуридан фойдаланиб, арифметик ўртача қиймат, ўртача катта ва кичик хатоликлар аниқланди.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон флорасидаги *Helichrysum maracandicum* нинг тарқалиши**» номли иккинчи бобида *H.maracandicum* нинг Ўзбекистон ботаник-географик ва маъмурий худудлари бўйича тарқалишига оид маълумотлар акс эттирилган.

H.maracandicum Ўрта Осиё (Тиёншон, Помир-Олой) мамлакатларида, республикамизнинг Тошкент, Жиззах, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятларида тарқалган.

Тадқиқотлар натижасида *H.maracandicum* адир ва тоғ минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, денгиз сатҳидан 1000-2500 м баландликда очик майдонларда шағалли ва майда заррали тўқ тусли бўз ва жигарранг тупроқларда ўсиши, сув тошқинлари ва селларнинг кам бўлиши ҳамда ўлмасўтнинг умумий биоэкологик хусусиятлари айнан шу минтақалар учун оптимал бўлиши аниқланди (1-расм).



1-расм. *Helichrysum maracandicum* нинг тарқалган ҳудуд харитаси

Диссертациянинг “*Helichrysum maracandicum* нинг онтогенези, онтогенетик структураси ва ценопопуляциялари ҳолатини баҳолаш» номли учинчи бобда онтогенези, онтогенетик структураси ўрганилган ва ценопопуляциялари ҳолати батафсил ёритиб берилган.

Бу бобда ўлмасўт уруғининг униши учун оптимал ҳарорат 25⁰С эканлиги аниқланди. Лаборатория шароитида уруғларнинг унувчанлиги 80-82 %, очик грунтда 65% дан ошмаслиги ёритилган.

Бундан ташқари Г.Н. Высоцкий (1962) классификациясига кўра, *Helichrysum* Mill. туркуми турлари кўп йиллик, тик пояли чалабута, поликарп, гемикриптофит ўсимликлар ҳисобланиб, *H.maracandicum* онтогенези 4 та ёш даврга ажратилган, латент (*se*-уруғ), виргинил (*p*-майса, *j*-ювенил, *im*-имматур, *v*-виргинил), генератив (*g*₁-ёш генератив, *g*₂-ўрта генератив, *g*₃-қари генератив), сенил (*s*-сенил) (2-расм).


Латент даври (*se*) – бу даврда ўсимлик тиним ҳолатида яъни, уруғ кўринишда бўлади. *H.maracandicum* ўсимлигининг уруғи писта, призмасимон шаклда, жигарранг, ташқи томони оқ рангли безчалар билан зич қопланган, узунлиги 2-3,3 мм, эни 0,2-0,6 мм. Уруғнинг абсолют массаси (1000 дона) 8±0,1г ни ташкил этади.

Уруғнинг тиним ҳолати эволюцион жараён ҳисобланиб, асосий адаптатив хусусиятлардан биридир.

Виргинил даври: майса, ювенил, имматур ва виргинил босқичларга ажратилади.

Майса босқичи (*p*) – уруғлар лаборатория шароитида экилгандан сўнг учинчи кундан униб чиқа бошлади. Тўртинчи куни уруғпалла барглари бири-бирига ёпишган, сариқ рангда намоён бўлди. Бунда уруғпалла баргларининг учки қисмида уруғ пўсти сақланиб туради. Бешинчи куни уруғпалла барглари

бир-биридан ажралиб, оч яшил рангга киради. Бу вақтда гипокотилнинг узунлиги $0,94 \pm 0,054$ см, асосий илдизнинг узунлиги $0,5 \pm 0,073$ см, уруғпалла баргининг узунлиги $0,1-0,2$ см ни ташкил этади.



2-расм. *Helichrysum maracandicum* нинг онтогенез схемаси

Ювенил босқичи (*j*) – бу ёш ҳолати чин барг ўсиб чиқиши билан бошланади. Ўсимлик бўйи 1-2 см га етади. Бу ёш ҳолатда ўсимликларнинг асосий илдизидан ён илдизлар шаклланади. Биринчи ҳақиқий барглар 10-17 кунлар оралиғида пайдо бўлиши билан уруғпалла барглар қуриydi. Чин барглар пояда қарама-қарши жойлашади.

Шу вақтда уруғпалла барглар тушиб кетади. Баргларнинг иккала томони тукчалар билан қопланган бўлади. 17-21-кунлардан кейин қисқарган пояда барглар сони ортади. Баргларнинг шакли тескари тухумсимон, $0,4-0,8$ см узунликда бўлади. Илдиз системаси ўқ илдизли бўлиб, бу босқичда асосий илдизнинг узунлиги $1,7-4,3$ см га етганлиги кузатилади. Ювенил босқичининг давомийлиги 30-35 кунни ташкил қилади.

Имматур босқичи (*im*) – бу ёш ҳолати кўпгина ўсимликлар сингари ер устки ва ер остки органларини ўзгариши билан характерланади. Поянинг ўсиши моноподиал типда бўлади. Ўсимлик бўйи 3-5 см га етади. Қисқарган пояда жойлашган барглар чизикли ланцетсимон шаклга ўтади. Бу босқичда ўсимликларда ювенил баргларнинг ўлчами нисбатан йирикроқ барглар ҳосил бўлади. Илдиз системаси ўқ илдизли, асосий илдизнинг узайиши ва ён илдизлар сонининг ортиши билан характерланади. Илдиз бўғзи диаметри $2,1-2,9$ мм, ён илдизлари узунлиги $4,3-5,7$ см гача етади. Имматур босқичи давомийлиги 36-41 кунни ташкил қилади.

Виргинил босқичи (*v*) – пояда ўртача ҳисобда $18,78 \pm 0,14$ дона чўзиқ тескари тухумсимон, патсимон томирланган барглар ҳосил бўлади. Бу даврнинг охирига келиб, ўсимликнинг бўйи 17-19 см га етади, илдиз системасининг жадал шохланиши билан характерланади. Асосий илдиз 24-27

см гача, ён илдизлар 12-18 см гача узаяди, илдиз бўғзи диаметри 0,6-0,7 см га етади. Ён илдизлар биринчи тартибли бўлади. Бир йиллик ўлмасўтнинг вояга етган вегетатив ўсимликлар август ойини охирларида ўз вегетациясини тўхтатади. Кейинги йил март ойини охирларида онтогенезнинг навбатдаги ёш ҳолатлари кузатилади. Виргинил даврининг умумий давомийлиги 121-136 кунни ташкил қилади.

Генератив даври: ёш генератив босқичи (g_1). Ўсимликнинг бу босқичга иккинчи ва ундан кейинги йилларда ўтиши асосан генератив поялар ва тўпбаргли қисқарган поялар пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ўсимликнинг бўйи 15-35 см бўлади. Генератив пояларнинг юқори қисмида жойлашган барглар қўлтиғидан ғунчалар пайдо бўлади. Поянинг пастки қисмида жойлашган барглар ғунчалар ҳосил бўлиш вақтида қурийдди. Генератив новда сони битта, ундан қалқонсимон тўпгуллар шаклланиб гуллаган вақтида шарсимон шаклда бўлади. Бу вақтда ўсимликда вегетатив жараён секинлашиб, фақатгина генератив жараёнларнинг, яъни тўпгулларнинг ривожланиши ва уруғлаш қайд этилди. Илдиз системаси асосий ва I-II тартибли ён илдизлар бўлиши билан характерланади.

Ўрта ёшли генератив босқичи (g_2). Ўсимлик каудексидан бир нечта генератив поялар (2-10) ҳосил қилади. Каудекснинг диаметри 0,2-0,5 см. Ўсимлик бу ёш ҳолатига учинчи йил ўтиб, бўйи $41,7 \pm 5,46$ см, тупнинг диаметри $23,4 \pm 4,3$ см гача етади. Асосий поядаги баргнинг япроғи тесқари тухумсимон, асосига қараб қисқариб боради, бўйи $4,7 \pm 0,9$ см, эни $0,55 \pm 0,03$ см. Асосий илдиз ва каудекснинг ёғочлашиши кузатилади. Каудекс асосида қуриган баргларнинг қолдиқлари кейинги йилгача сақланиб қолади. Илдиз системаси жадал ривожланади. Асосий илдизнинг узунлиги 24 см га етади.

Қари генератив босқичи (g_3). Бу босқичдаги ўсимликларда каудекс йўғонлашмайди. Илдизлар ранги тўқ жигарранг тусга киради. Асосий илдизда партикуляция жараёни бошланади. Асосан, ён илдизлари ҳисобига вегетациясини давом эттиради. Бундан ташқари, генератив пояларнинг сони 1-2 та, бўйи 12-16 см бўлади. Бу ёш ҳолати генератив пояларнинг ва улардаги тўпгуллар сонининг камайиши билан изоҳланади.

Сенил даври (s) – сенил ўсимлик бу даврга келиб генератив поялар ҳосил қилмайди. Бу даврда илдиз тизимида чириш жараёни кузатилади. Ўсимликни сенил - даврига ўтиши 8-10 вегетация йилларидан сўнг кузатилади (2-расм).

Ценопопуляцияларнинг онтогенетик структураси 7 та ёш босқич ($j, im, v, g_1, g_2, g_3, s$) ажратилди. ЦПларнинг демографик ҳолатини баҳолашда тупларнинг % ҳисобидаги улуши муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотлар давомида айнан шу жиҳат ЦП онтогенетик спектрларини изоҳлашда фойдаланилади (1-жадвал).

Чап томонлама онтогенетик спектр аксарият ҳолларда бир чўққили бўлиб, чўққи виргинил ва ёш генератив ўсимликларга тўғри келиши аниқланди.

Спектрнинг чап томонида турли босқичдаги тупларнинг учраши хилма-

хил бўлиб, уларнинг ўзаро нисбати бир-биридан фарқ қилади. Ценопопуляцияларда ёш фракцияга мансуб туплар миқдорининг кўплиги бир қатор экологик ва фитоценотик омиллардан ташқари, турнинг биологияси билан ҳам боғлиқ. *H.maracandicum* нинг ўрта ёшли генератив тупларида ўртача 1000-3500 тагача потенциал уруғ шаклланади ва бу ўз навбатида ЦПда ёш фракция сонининг тикланишига бевосита таъсир этади. Виргинил ёшдаги тупларнинг ЦПларда устунлик қилиши, мазкур босқичнинг ювенил ҳамда имматур босқичларидан кўпроқ давом этиши билан боғлиқ. Виргинил ва ёш генератив тупларнинг устунлик қилиши антропоген таъсири (ўсимликнинг ўрта ёшли генератив тупларининг кескин равишда йиғилиши ва ҳ.к.) билан боғлиқдир.

1-жадвал

Helichrysum maracandicum ЦПларининг ёш таркиби (%)

№ЦП	Ёш таркиби						
	<i>J</i>	<i>im</i>	<i>v</i>	<i>g₁</i>	<i>g₂</i>	<i>g₃</i>	<i>s</i>
1	10,78	14,70	18,62	9,80	24,50	14,70	6,86
2	10,76	15,38	23,07	12,30	24,61	6,15	7,69
3	0	16,66	11,90	7,14	19,04	11,90	33,33
4	14,58	10,41	14,58	10,41	12,5	4,16	33,33
5	14,14	12,12	15,15	10,10	29,29	13,13	6,06
6	23,52	5,88	7,84	9,80	25,49	11,76	15,68
7	17,64	8,82	14,70	0	8,82	11,76	38,23
8	11,26	14,08	21,12	25,35	9,85	7,04	11,26
9	20	13,84	26,15	18,46	12,30	3,07	6,15
10	23,28	8,21	13,69	12,32	24,65	8,21	9,58
11	15,83	12,5	11,66	15	29,16	13,33	2,5
12	16,21	8,10	13,51	10,81	13,51	8,10	29,72

8 ЦП да виргинил ва ёш генератив тупларнинг улуши 21,12-25,35 %, 9 ЦП да 26,15-18,46 % эканлиги қайд этилди. Мазкур ЦПларда қолган босқичдаги тупларнинг улуши 15 % дан ортмаслиги кузатилди.

Марказлашган онтогенетик спектр. *H.maracandicum* 3-4 йилда гуллаш босқичига ўтиб, ўрта ва қари ёшдаги генератив босқичининг давомийлиги 11-13 йилни ташкил этади. Бу ўсимлик ҳаётининг циклининг катта қисми мазкур босқичларга тўғри келишини англатади. ЦПларда уруғдан кўпайиш бир меъёрда бўлмаслиги ва генератив даврнинг узок давомийлиги айрим ЦПлар структурасини марказлашган ҳолатда бўлишига замин яратади. 1, 5 ва 11 ЦПларда ўрта ва қари ёшдаги генератив тупларнинг қолган ёшдаги тупларга нисбатан кўплиги қайд этилди. Мазкур ЦПларда йил давомида ёғингарчилик миқдорининг етарли даражадаги шароитда ўсиши ҳамда *g₂* босқичининг қолган босқичларга нисбатан узокроқ давом этиши ЦПларнинг марказлашган типга хос эканлигига имкон берган. Қайд этилган учала ЦПда ҳам *g₂* босқичдаги тупларнинг улуши юқорилиги кузатилди. Мазкур ЦПларда ўрта ёшдаги генератив тупларнинг улуши 24,50-29,29 %.


Бимодал онтогенетик спектр. Тадқиқотлар давомида 2, 6, 10 ЦПлар бимодал онтогенетик спектрига хос эканлиги кузатилди. Онтогенетик спектр икки чўққили: дастлабки чўққи ювенил ва виргинил тупларга тўғри келган бўлса, кейингиси эса учала ЦПда ўрта ёшдаги генератив тупларга тўғри келади. Бундай спектрлар, одатда уруғидан кўпайиши бир меъёрда кечадиган ценопопуляцияларда шаклланади. Ўтган йиллар мобайнида ёппасига униб чиқиш ҳисобига ҳосил бўлган майсаларнинг кейинги босқичларга муваффақиятли ўта олгани бир томондан ЦПда имматур тупларнинг йиғилишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан қулай шароитда генератив даврнинг чўзилиши шу ёшли туплар сонининг ҳам кўпайишига замин яратган. Бимодал онтогенетик спектрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири *H.maracandicum* ўрта генератив туплар яшовчанлигининг узоқ давом этишидир.

Ўнг томонлама онтогенетик спектр. ЦПларнинг энг кўп улуши ўнг томонлама онтогенетик спектрага хос эканлиги кузатилди (ЦП 3, 4, 7, 12). ЦПларда сенил босқичдаги тупларнинг улуши 29,72-38,23 % оралиғида бўлиши кузатилди. Бу ҳолат бевосита ўсимликнинг бардошлилик хусусияти билан боғлиқ. Яъни бу ҳолатда ўсимлик нисбатан ноқулай шароитга мослашишини кузатишимиз мумкин. Қайд этилган ЦПларда йил давомида турли хил омиллар таъсир этиши кузатилди. Хусусан 3 ва 4 ЦПларда йил давомида мунтазам равишда чорва молларининг боқилиши ҳамда аҳоли яшаш масканларининг яқинлиги ЦПларнинг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган. 7 ЦП ҳудуди йил давомида мавсумий дам олувчилар масканига айланиб бораётганлиги ЦПларнинг демографик кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Тур тикланиш даражасининг юқори кўрсаткичи 9-ценопопуляцияда кузатилди (1,77), генератив туплар улуши 33,83 % га тенг. Мазкур кўрсаткичнинг қуйи даражаси 3 (0,74) ва 11 - (0,69) ценопопуляцияларда қайд этилиб, мос равишда генератив туплар 45,5-60,5 % ни ташкил қилади. Қарилик индекси 0,02-0,33 оралиғида бўлиши, онтогенези тўлиқ аъзоли эканлиги кузатилди. Ўрганилган ЦПларнинг барчаси тўлиқ аъзоли, фақатгина 3 ЦПда ювенил ёшдаги ва 7 ЦПда ёш генератив (g_1) тупларнинг учраши қайд этилмади (3-расм).

H.maracandicum ўрта ёшдаги генератив даври узоқ давом этиши тур учун марказлашган онтогенетик структура хос деб ҳисобланади.

H.maracandicum нинг базавий онтогенетик структураси бир чўққили бўлиб, эгрининг энг юқори нуқтаси генератив тупларга тўғри келади. Виргинил ва сенил тупларнинг улуши 15-17% атрофида бўлиши кузатилди. Юқори ҳаётчанликка эга ҳар иккала ҳолатдаги тупларнинг ўртача қиймати юқори кўрсаткичга эгаллиги ўрганилган. Бунда асосий тарқалган ҳолати ЦПларни нисбатан турғунлигидан далолат беради. Тадқиқотлар давомида турнинг базавий онтогенетик спектри характерли спектрага мос эканлиги қайд этилди.



3-расм. *Helichrysum maracandicum* базавий онтогенетик структураси

Турнинг ценопопуляцияларини ҳолати қатор организм ва популяцияон белгилар таҳлили асосида баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал


H. maracandicum белгилари қийматини балли баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Балл				
		I	II	III	IV	V
1	Ўсимлик бўйи, см	28-36,7	36,8-45,6	45,7-54,5	54,6-63,4	63,5-72
2	Пастки барг узунлиги, см	5,3-5,9	5,94-6,57	6,58-7,21	7,22-7,85	7,86-8,5
3	Пастки барг, эни	0,3-0,4	0,39-0,47	0,48-0,56	0,57-0,65	0,66-0,72
4	Саватчалар сони, дона	43-52,1	52,2-61,3	61,4-70,5	70,6-79,7	79,8-89
5	Туплар биомассаси (гр)	28-35,3	35,4-42,7	42,8-50,1	50,2-57,5	57,5-65
6	Туплар зичлиги 1м ² , дона	3,4-5,1	5,11-6,81	6,82-8,52	8,53-10,23	10,24-12
7	Экологик зичлиги, 1м ² , дона	4,3-6,05	6,1-7,9	7,87-9,7	9,7-11,5	11,5-13,3
8	s – улуши (%)	2,5-9,6	9,65-16,79	16,8-23,9	23,9-31,1	32-38,2
9	g2-g3- улуши (%)	15,4-20,8	20,8-26,2	26,2-31,6	31,7-37,1	37,1-42,5
10	j- g1 - улуши (%)	35,7-44,2	44,3-52,8	52,8-61,4	61,4-69,9	69,9-78,5

Нисбатан 1, 5, 11 ЦПлар оптимал шароитга яқин эканлиги қайд этилди. Бу эса йил давомида экологик-ценотик ва антропоген омиллари таъсири камлиги натижасида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этганлигини кўрсатади.

Ўрганилган ценопопуляцияларнинг ҳеч бирида белгиларнинг максимал кўрсаткичи қайд этилмади (4-расм).


Диссертациянинг “*Helichrysum maracandicum* нинг вегетатив ва генератив органларининг морфо-анатомик тузилиши ва фитокимёвий таҳлили” номли тўртинчи бобида *H.maracandicum* нинг вегетатив ва генератив органларининг морфологик ва анатомик тузилиши, турли ҳудудлар бўйича кимёвий таркиби ва республикадаги табиий захиралари ҳақида маълумотлар берилган.



4-расм. *H.maracandicum* нинг ценопопуляцияларини ҳолати:

организм белгилари: 1 – ўсимлик бўйи, см; 2 – пастки барг узунлиги, см; 3 – пастки барг эни, см; 4 – саватчалар сони, дона; 5 – туплар биомассаси, г; **популяция белгилари:** 6 - туплар зичлиги 1м^2 , дона; 7 - турнинг қопланиш даражаси (%); 8 - *s* туплар улуши (%); *g*₂-*g*₃-туплар улуши (%); 10 – *j*- *g*₁ туплар улуши

H.maracandicum нинг барги, пояси ва гулларини морфологик ва анатомик тадқиқ қилиш асосида диагностик белгилар аниқланди. Унга кўра, асосан, саватчадаги четки ва ўрта гулларининг ўрама баргини юзасида (ўрта қисмида), тожибарг найчасининг юқориги қайрилган қисмида, қисман унинг юзаси ва найчасида безли тукчаларнинг жойлашганлиги бу тур учун хос бўлган белги ҳисобланади. Бундан ташқари, эфир мойли киритмалар барг мезофиллида дончалар шаклида учраши кўшимча диагностик белги бўлиб, турдан хом ашё сифатида тўпгулидан ташқари баргидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади (5-расм).



5-расм. *H.maracandicum* ер устки органларининг анатомик структураси:

А. а – марказий ўтказувчи бойлам атрофи кесими; б – йирик ён бойлам атрофи кесими; в – безли туклар; г – майда ён бойламлар кесими; д – абаксиал эпидерма; е – адаксиал эпидерма. **Б.** а, б – поя қисми кесими; в – тожибарг эгилмаси; г, д – ўрама барглр ташқи юзаси; е – эфир мойли безлар. **Шартли белгилар:** Ў – ўзак, ЎБ – ўтказувчи бойламлар, ПШ – пўстлоқ паренхимаси, ОТ – оддий туклар, ЭМб – эфир мойли безлар, БТ – безли туклар. Ўн – ўтказувчи най, Фл – флоэма, СП – сувли паренхима, ЛТ – луб толалар, ЭМ – эфир мойли донача, Ад – адаксиал эпидерма, Пт – палисад тўқима, Аб – абаксиал эпидерма, У – устьица, ФП – ғовакя паренхима.

H.maracandicum нинг турли ҳудудлар бўйича хом ашёсини фитокимёвий таҳлиliga кўра эфир мойлари кимёвий таркибида 75 та кимёвий бирикмалар учраб, шундан Сурхондарё вилоятида тарқалган ўсимлик эфир мойлари таркибида 24 та, Самарқанд вилоятида тарқалган ўсимликларда 23 та, Жиззах вилоятида тарқалган ўсимликларда 32 та, Тошкент вилоятида тарқалган ўсимликларда 28 та, Наманган вилоятида тарқалган ўсимликларда 35 та асосий бирикмалар мавжуд эканлиги аниқланди. Қиёсий таҳлиллар натижасида Жиззах, Оҳангарон ва Наманган ҳудудларида тарқалган *H.maracandicum* тўпгуллари таркибида альдегид ва кетонлар миқдори бошқа вилоятларда тарқалган ўсимликларга нисбатан кўп эканлиги маълум бўлди. Сурхондарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида тарқалган *H.maracandicum* тўпгуллари таркибида тўйинган углеводородлар ва терпеноидлар нисбатан кўп эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “*Helichrysum maracandicum* захираларини аниқлаш ва муҳофаза қилиш чоралари” деб номланган бешинчи бобида турнинг мамлакатимиздаги биологик ва эксплуатацион захиралари ҳамда *H.maracandicum* популяцияларини сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган бир қатор тавсиялар ёритилган.

Мазкур бобда *H.maracandicum* Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб тарқалиши ҳамда захираларини аниқлашга оид тадқиқот натижалари келтирилган. Тошкент вилояти ҳудудларида (эксплуатацион захираси $0,794 \pm 0,04$ т, йиллик йиғиш имкониятининг ҳажми $0,118 \pm 0,1$ т), энг кам хом ашё захираси Наманган вилояти, Нанай қишлоғи атрофларида (эксплуатацион) захираси 0.040 ± 0.003 т, йиллик йиғиш имкониятининг ҳажми 0.006 ± 0.0017 т) аниқланди. Қолган ҳудудларда оралик қийматларни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

H.maracandicum нинг Ўзбекистон вилоятларидаги хом ашё захиралари

№	Вилоятлар	Тарқалиш майдони, га	Биологик захираси, т	Эксплуатацион захираси, т	Йиллик йиғиш имонияти, т
1	Сурхондарё	17,9	$2,374 \pm 0,35$	$0,354 \pm 0,08$	$0,054 \pm 0,006$
2	Қашқадарё	14,0	$0,688 \pm 0,1$	$0,103 \pm 0,003$	$0,0153 \pm 0,0015$
3	Самарқанд	18,0	$0,611 \pm 0,055$	$0,192 \pm 0,022$	$0,052 \pm 0,003$
4	Жиззах	10,6	$0,774 \pm 0,11$	$0,116 \pm 0,005$	$0,047 \pm 0,002$
5	Тошкент	53,0	$5,273 \pm 0,14$	$0,794 \pm 0,04$	$0,118 \pm 0,1$
6	Наманган	4,0	$0,29 \pm 0,04$	$0,040 \pm 0,003$	$0,006 \pm 0.0017$
Жами:		117,5	$10,01 \pm 0,13$	$1,599 \pm 0,03$	$0,2923 \pm 0,02$

Тадқиқотлар давомида *H.maracandicum* нинг табиий захираларини муҳофаза қилиш ва уларни популяцияларини сақлаб қолиш, яъни хом ашё тайёрланаётган вақтда ўсимликни ўрта ёшли генератив фазага ўтган тупларнинг 40-50% ини қолдириш, мавсумий йиғиб олинишини 3 йилдан кам бўлмаган вақт оралиғида амалга ошириш орқали популяциялар тикланишида ижобий натижаларга эришилади.

H.maracandicum тўпгулининг мураккаб эфирлари таркибини таҳлил натижалари асосида Наманган вилояти ҳудудида тарқалган популяциялардан қолган ҳудудларга нисбатан сифатли хом ашё тайёрлаш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистонда тарқалган *H.maracandicum* Роров ех Кирр. нинг биологияси ва ресурслари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *H.maracandicum* ценопопуляциялари Тиёншон ва Помиролой тоғ тизмаларининг турли экологик-фитоценотик шароитларида учраб, ассектатор сифатида қатнашади.

2. Уруғлар унувчанлиги лаборатория шароитида (80-82%) дала шароитига нисбатан юқори (65% гача). Ўсимликнинг онтогенези латент, виргинил, генератив, сенил даврлари ва 9 та босқичдан иборат бўлиб,

H.maracandicum онтогенези тўлиқ аъзоли, катта ҳаётий цикли 10-14 йилни ташкил қилади.

3. Тур ценопопуляциялари тўлиқ аъзоли, нормал. Ценопопуляциялар онтогенетик спектрининг характерли типи марказлашган бўлиб, ўрта ёшли генератив тупларнинг энг кўплиги билан изоҳланади.

4. Тоғ минтақасида *H.maracandicum* бутали-арчазор ва ҳар хил ўтли-дарахтзор жамоаларида тарқалган бўлиб, турларнинг қоплами ва тупрок намлигининг юқорилиги оптимал шароит ҳисобланади.

5. Биологик фаол моддалар сақлайдиган безли тукчалар асосан саватчадаги четки ва ўрта гулларининг ўрама барги юзасида, тожибарг найчасининг юқориги қайрилган қисмида, қисман унинг юзаси ва найчасида мавжуд Барг мезофилли ҳам эфирмойли киритмаларни сақлаши ундан хом-ашё сифатида фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади.

6. Турли табиий шароитларда *H.maracandicum* тўпгулларида мураккаб эфирларнинг энг юқори сифатли кўрсаткичи намроқ бўлган экологик шароитдаги ўсимликлар таркибида учрайди (Наманган вилояти).

7. *H.maracandicum* нинг энг кўп табиий захираси Тошкент вилоятида – эксплуатацион захираси $0,794 \pm 0,04$ т, йиллик йиғиш имкониятининг ҳажми $0,118 \pm 0,1$ т, шунга мувофиқ энг паст кўрсаткичи Наманган вилоятида $0,040 \pm 0,003$ т, $0,006 \pm 0,0017$ т ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

ХУЖАНОВ АЛИШЕР НУРАЛИЕВИЧ

**БИОЛОГИЯ И РЕСУРСЫ *HELICHRYSUM MARACANDICUM* РОДОВ
EX KIRP. В УЗБЕКИСТАНЕ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2020

21

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B313.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.botany.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Хожиматов Олимжан Каххарович доктор биологических наук, профессор
Официальные опоненты:	Рахимова Ташханим доктор биологических наук, профессор Нигматуллаев Алим Магмурович кандидат биологических наук
Ведущая организация:	Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «30» сентября 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.39.01 при Институте ботаники (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актывый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за №43). Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «16» сентября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 2 от «16» сентября 2020 года)

К.Ш.Тожибаев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., академик

Б.А.Адилов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Х.Ф.Шомуродов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Растущий с каждым днем спрос на экономически значимые виды растений в мире требует сохранения их разнообразия, охраны и восстановления запасов. В последние годы широкое использование сырья лекарственных растений в местном и промышленном производстве определяет необходимость разработки мер по установлению их биологических свойств и устранению факторов, негативно влияющих на их запасы. В этом контексте актуальное научно-практическое значение имеет разработка рекомендаций по определению территорий распространения перспективных лекарственных растений, установлению промышленных запасов, сохранению популяций на основе их биоэкологических особенностей.

В мире уделяется большое внимание выявлению видов лекарственных растений, изучению их биологических особенностей и оценке фармацевтических перспектив, установлению причин сокращения популяций видов лекарственных растений в результате естественных и антропогенных факторов, улучшению их сохранения и размножения. В связи с этим была создана система регистрации редких и находящихся под угрозой исчезновения видов лекарственных растений, а также разработаны современные методы охраны и воспроизводства природных ресурсов на основе оценки масштаба влияющих на них факторов. Следует отметить, что в последние годы растет спрос на естественные растительные лекарственные средства, что приводит к сокращению запасов перспективных растений. В частности, низкий естественный репродуктивный потенциал лекарственных видов, тот факт, что их популяции расположены в зонах сильного антропогенного воздействия, а также изменения климата, влияющие на рост и развитие, приводят к сокращению популяции. В связи с этим, в фармацевтической промышленности определение фармзон, имеющих большой спрос на сырье, разработка современных методов по воспроизводству и сохранению популяций на основе биологических особенностей, создание запасов сырья и его качественная подготовка имеют большое научно-практическое значение.

В настоящее время в нашей республике большое внимание уделяется выращиванию лекарственных растений и разработке лекарственных средств на основе растительного сырья. В результате программных мер, принятых в этом направлении, в стране были созданы специализированные фармацевтические зоны, выявлены естественные запасы для видов с высоким спросом на сырье и начата разработка новых видов лекарственных препаратов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ поставлены задачи по «...дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

учреждений дешевыми и качественными лекарственными средствами». Исходя из этих задач, важно обосновать биоэкологические особенности *Helichrysum maracandicum*, оценить его естественные ресурсы и разработать рекомендации по производству.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 г.; Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4670 от 10.04.2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию природных ресурсов» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 г. а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

